> ***Халқ вақтинча давом этаётган қийинчиликларга чидаши мумкин, лекин билиб қўййлик, такроран айтаман: адолатсизликка чидамайди!***
>
> **Ислом КАРИМОВ.**

# МУҚАДДИМА

*Халқимизда «Кўзингга қараб юр» деган ибора бор. Унинг маъносини ҳар ким турлича талқин қилиши мумкиндир. Аммо бунинг том мағзини кўпчилик тушунади. Бу — эҳтиёт бўл, дегани. Ҳаддингдан ошма, дегани. Демакки, қонун доирасида иш қил, дегани. Қонун — бу жамиятни тебратувчи бешик. Унда ором бор. Келажак бор. Меҳр ва қаттиққўллик бор. Ўз-ўзидан фуқаронинг ҳар қадамини ўлчайдиган меъёр бор.*

*Зеро, инсоннинг ҳар лаҳзасида қонуният бор. Туғилиш — қонуният. Ишлаш — қонуният. Яшаш — қонуният. Шу боис* ***«ҚОНУН ҳимоя қилади, кафолат беради, жазолайди»*** *деган саҳифа фуқароларимизга буни қайта-қайта таъкидлаш, уларнинг онгига қонунларимиздаги адолат мезонини сингдириш ниятида очилди.*

*Ойда бир марта чиқадиган бу саҳифа Ўзбекистондаги ёшу қари — барча-барчани қонунни мукаммал билишга, мабодо фуқаро ҳақсизликка учраса, унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга бош қўшади.*



*Ўринбой Турдановнинг фарзандлари ҳам ота йўлидан боришмоқчи. Ўз касбининг фидойиси бўлган бу инсонга нафақат оила аъзолари, балки барча ҳамкасблари ҳавас қилишади. Негаки, у раҳбарлик қилаётган Қўнғирот туман ички ишлар бўлими Қорақалпоғистон Республикасидаги энг намунали жамоа ҳисобланади.*

*Туманда аҳоли тинчлигини таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш, ёшлар билан ишлаш борасидаги ибратли ишлари учун яқинда Ўринбой Турданов республикамиз Президенти Фармонига мувофиқ, «Жасорат» медали билан мукофотланди.*

**СУРАТДА: милиция полковниги Ў. Турданов фарзандлари билан.**

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

Раҳматнома

## ЎША МИЛИЦИОНЕР ҚАЕРДА ЭКАН?

***Ўтган йилнинг энг мудҳиш воқеаси — 16 феврал даҳшатлари ҳанuz эсимизда. Фожиалар шундоққина ёнимда содир бўлганиданми, у ҳақда эшитсам, қалтираб кетаман. Чунки мен ва бошқа йўловчилар ҳам фожиа қурбони бўлишимизга сал қолган.***

16 феврал эди. Ўзимга тегишли 2711-вагонни техник кўрикдан ўтказдим. Кейин 8-йўналиш бўйича Бешқайрағочдан Юсуф Хос Ҳожиб бекати томон юрдим. Соат 11 лар чамаси эди. Навоий кўчасидан Ш. Рашидов кўчасига қайрилаётганимизда, ДАН ходими тўхтатди.

— Ҳозир нариги томондан делегация ўтади. Сабр қилиб туринглар, — деди у йўловчиларга эшиттириб.

Бу, албатта, шошиб турган баъзи йўловчиларда норозилик уйғотди. Аммо асосан кўпчилик тўғри қабул қилди. Буни қарангки, орадан уч-тўрт дақиқа ўтгач, қулоқни қоматга келтирадиган тарзда кучли портлаш содир бўлди. Сўнг бу даҳшат Нодирабегим кинотеатри яқинида такрорланди. Йўловчилар бундан ваҳимага тушиб, ўзларини эшикка урди. Тартибсиз ҳаракатлар бошланди. Шунда ҳалиги ДАН ходими дуч келган томонга қочаётган кишиларни васвасага тушмасликка чақирди ва ҳаракатни тўхтатиб, йўловчиларни хавфсиз томон ўтказиб юборди.

Эсласам, қўрқиб кетаман. Ҳисоблаб кўрдим. Агар ДАН ходими тўхтатмаганда, ўтган фурсатда, мабодо «Светофор»га тушиб қолсам, вагон айнан Нодирабегим кинотеатрининг ёнида бўларкан. Табиийки, трамвай ичидаги одамлар ҳам озмунча азият чекармиди.

Портлашдан ўн, ўн беш дақиқа ўтиб-ўтмай, тафтишчиларимиз етиб келишди. Вагон турган жойида қўзғалмай қолди. Уч соат деганда ёрдамчи куч билан вагонни олиб кетдик. Ўша лаҳзада яна бир трамвайимиз йўлдан чиқиб кетган, портлаш туфайли пешойнаси синган, ҳайдовчи эса ўзидан кетиб қолганди...

290 минг доллар турадиган трамвайни олиб кетаётиб, мен ҳам, тафтишчимиз ҳам ДАН ходимига миннатдорчилик билдирдик. Ҳали тўхтатганига норози бўлган йўловчилар энди уни қучоқлар, бағрига босарди. Лекин ўшанда унинг исми-шарифини сўрамабмиз. Аммо бир далил аниқ. Икки юзга яқин одамнинг ҳаётини сақлаб қолган ўша халоскор сержант ўзбек фарзанди эди...

**Тўлқин САИДОВ,**
**Тошкентдаги 2-трамвай депоси ҳайдовчиси, йўналиш бригадири.**

# ҚОНУН ҳимоя қилади кафолат беради жазолайди

## САВОЛ...

**Ўзбекистон Республикаси фуқароларига якка тартибда уй-жой қуриш ва ободонлаштириш учун ер участкалари 0,06 гектарғача фақат шаҳар ва посёлкаларда бериладими ёки ширкат хўжаликлари аҳоли пунктларида ҳам шунча ер майдони ажратиладими? Деҳқон хўжалигини юритиш учун берилган ер участкасида фуқаро томонидан якка тартибда турар-жой биноси қуриш мумкинми?**

**О. ТУРОБОВ,**
**Қашқадарё вилояти, Қамаши тумани.**

— Шаҳарлар ва посёлкаларда, шунингдек, қишлоқ хўжалиги ҳамда ўрмон хўжалиги корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг эгалигидаги ерлар таркибига кирмаган қишлоқ аҳоли пунктларида доимий яшаб турган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига якка тартибда уй-жой қуриш ва уй жойни ободонлаштириш учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳар бир оилага 0,06 гектаргача ер участкалари берилади.

Деҳқон хўжалиги эса оилавий майда товар хўжалиги бўлиб, оила аъзоларининг шахсий меҳнати асосида, мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш учун оила бошлиғига берилган томорқа ер участкасида маҳсулот етиштиради ва сотади. Бунда гарчи ер шахсий бўлса-да, қурилиш бош режасидан ташқари фуқарога якка тартибда уй-жой қуриш ман этилади.

* * *

**— Ер остидан фойдаланганлик учун солиқ тўловчиларга кимлар киради?**

**Ҳамиджон ТЎХТАМУРОДОВ,**
**Бухоро вилояти.**

— Солиқ кодексининг 105-моддасига мувофиқ, ер остидан фойдаланганлик учун солиқни Ўзбекистон Республикаси қазилмалар қазиб олишни, шунингдек, фойдали қазилмалар қазиб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотлари қуриш ва улардан фойдаланишни амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар тўлайдилар.

**Жавобларни ҳуқуқшунос Эркин МАВЛОНОВ тайёрлади.**

ЖАВОБ

***Баъзан, аниқроғи, баъзи жойларда шундай бир муҳит вужудга келадики, бунда ҳақиқат ахтарган хор-зор бўлиб, қонунбузарнинг ошиғи олчига айланади. Одатда бунақа муҳит ўша жойлардаги катта-кичик раҳбарнинг, кўпроқ ҳуқуқ посбонининг "табиати" билан уйғунлашган тарзда вужудга келади. Аслида соғлом жамиятга ёт бўлган бундай воқеалар вақтинчалик ҳодиса. Бироқ шунинг ўзи одамлар орасида кўп норозиликларнинг туғилишига, айрим ҳолларда эса фуқароларнинг ноҳақ, ноқонуний жавобгарликка тортилишигача бўлган ноxуш ҳодисаларга сабаб бўлади.***

## АДОЛАТ ТАНТАНАСИ

### учун икки ярим йил керак бўлди

Муҳарририятга кириб келган олтмиш ёшлардаги кишининг ҳикоясини тинглаб, қўлидаги ҳужжатлар билан танишиб, беихтиёр юқоридаги мулоҳазалар хаёлимдан ўтди. Аввалига, азбаройи "ноҳақ жазоландим" деган шикоятчилардан безганим учун, бу киши гапини бошлаши биланоқ, "Газета бу ишни ҳал қилиб беролмайди, прокуратурага боринг", деб уни тўхтатмоқчи бўлдим. У киши эса "Менинг ишим ҳал бўлган", деди. "Унда нега келдингиз?" "Шу воқеани газетага ёзинг, бошқаларга ўрнак бўлсин, менинг ҳақлигимни халқ билиб, хумордан чиқай, ахир икки ярим йил курашдим айбсизлигимни исботлаш учун!"

Бу гапдан кейин юрагида озгина орияти бор журналист уни тингламаслиги мумкин эмас. Қолаверса, "ҳал бўлган" ишни ёзиш, "ноҳақ судланди" деб ёзишдан кўра жуда осон. Тингладим. Сўнг, сиз ҳам тингланг, "қозончининг ҳақи бор — қайдан қулоқ чиқарса" қабилида кўнглига келган ишни қиладиган айрим адолат посбонлари тингласалар, ўзлари учун ҳам, жамият учун ҳам фойдадан холи бўлмас, деган ниятда ушбуни қоғозга туширдим.

Жазо бор-йўғи 15 кеча-кундуз! Ҳа, Чироқчи туманида истиқомат қилувчи, умрининг 35 йилини ўқитувчиликка бағишлаган, шундан 9 йилида мактаб директори бўлган инсон Абрай Худойбергановни 1997 йил 14 мартда 15 кунга қамашди. Туман прокуратураси терговчиси Эркин Бегимовга: "Нега чақирган вақтингда қабул қилмайсан, камбағал одам эмасми?" дегани учун. Бу "беодоблик"дан ўғли тенги терговчининг фиғони фалакка чиқди. Қаранг-а, қаёқдаги бир муаллим кимсан, терговчига, кабинети эшигини бесўроқ очиб, ўдағайласа-я! Бунга чидаб бўладими?

Йўқ, албатта. Чидаб бўлмайди. У муаллимга ўшқирди: "Ёп, эшикни, керак бўлса, кечгача кутасан!"

Абрай ака соат 12 да ҳокимликка йиғилишга бориши керак эди. Терговчи соат 10 га чақиртирган, унинг аризаси бўйича. Воқеа соат 10.20 да бўлаяпти. Абрай Худойберганов терговчидан иш чиқмагач, прокурор Тоштемир Саидовнинг кабинетига кирди ва ёзган аризаси бўйича қабул қилишини сўради, Бегимов қабул қилмаётганини айтди. Прокурордан терговчиникидан баландроғини эшитди: "Сен таъмагирсан, ташкилотлар устидан ёзиб фойдаланмоқчисан, ҳамма аризаларингни кўтариб, сени жавобгар қиламан". Шундай дея у Бегимовни чақириб: "Бу туҳматчи, прокурорни ҳақоратлади, уни жавобгарликка тортишга тайёрла", деб уни милиция ходимларига топширган.

Олдиндан айтиб қўяй, юқоридаги савол-жавобдан кўчирмалар мухбирнинг шунчаки ўйлаб топгани ёки аризачининг шунчаки аризасидаги гаплар эмас, Олий суднинг Ҳал қилув қарорида акс этган ҳолатлардан кўчирмалардир.

Шундай қилиб, ўша куннинг ўзида Чироқчи туман судининг раиси Абдураҳмон Каримовнинг қарори билан Абрай Худойберганов "безорилик қилгани" учун маъмурий жавобгарликка тортилди — 15 кунга қамалди. Қаранг, керак бўлганда қонун қанчалик тез ва аниқ ишлайди: соат 10.20 да терговчини "ҳақорат" қилган фуқаронинг "иши" ўша куни қош қорайгунча суддан ҳам ўтиб бўлди.

Албатта, А. Худойберганов ҳақ-ҳуқуқини танийдиган саводли одам эди. У суд қароридан норози бўлиб, шикоят ёзди. Тинглашмади уни. Вилоят суди қарорни тўғри, деб топди. Бунгача, албатта, анча вақт ўтди. Абрай ака Олий судга ёзди. Олий суд ишни бекор қилиб, қайта кўрилсин, деб вилоят судига юборди. Иш Китоб туман судида (судья Д. Ашуров) қайта кўрилди. Илгари иккита гувоҳ энди тўрттага чиқди. Мустаҳкамлаш керак-да. Бу гувоҳлар орасида воқеа жойида бўлмаган, автоавария содир этган ўғлининг тақдири Чироқчининг прокуратурасида бўлган киши ҳам бор эди ҳатто. Уларга ёрдам берса, бунинг ўғлига ҳам ёрдам беришади-да. Илинж бор. Икки оғиз ёлғон гувоҳлик берса, осмон узилиб ерга тушмайди. Шу тариқа Китоб туман суди ҳам чироқчилик ҳамкасбларини ёлғончига чиқармади — А. Худойберганов тўғри жазоланган, деган қарор чиқарди.

Шу ўринда А. Худойбергановга "характеристика" бериб ўтиш жоиз: у ноҳақликни, ўғри-муттаҳамликни кўриб, жим кетолмайдиган одам. 1997 йилда прокуратурага тумандаги турли ташкилотларда бўлаётган талон-тарожликлар, суиистеъмолликлар тўғрисида ёзган аризалари бўйича тўртта жиноят иши қўзғатилиб, шундан иккитаси амнистия актига асосан тугатилган, иккитаси бўйича айбдор шахслар судда жазога ҳукм қилинган. Яъни, айрим шахслар учун у "тинчликни бузувчи".

Вақт ўтаверди. А. Худойберганов яна Олий судга ёзди. Олий суд ишни назорат тартибида кўриб, 1998 йил 18 февралдаги қарори билан "Худойбергановнинг ҳаракатларида безорилик аломатлари йўқ" деб ишни ҳаракатдан тўхтатди (судья Қ. Исаров). Бироқ 1998 йил 20 апрелда бу қарорга протест келтирилди ва иш бошқатдан кўриш учун Қамаши туман судига юборилди. Орадан роса етти ой ўтгач, Қамаши туман суди раиси Поён Рўзиев Китоб туман судининг қарорини ўзгаришсиз қолдирди, яъни А. Худойберганов қонуний жазоланган, деб топди.

Қизиқ-а, Олий суд судьяси нотўғри деган қарорни туман суди судьяси "тўғри" деб турса? Судлов тизимида бунинг ноқонуний жойи йўқ, бу одатдаги ҳол деб қабул қилинади. Бироқ бу тизимдан ташқарида бўлганлар учун бунақа ҳолнинг "қизиқ" туюлишида жон бор: ахир Олий суднинг судьяси қонунларни туман судьясидан кам билмаса керак? У бу даражага етиш учун барча қуйи поғоналардан ўтиб келган-ку, деган тасаввур туфайли "қизиқ" деган савол туғилади ва бу ҳам табиий.

Шундай қилиб, тиниб-тинчимас судланувчимиз ёзишда давом этди. Унинг аризаси Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, 2-даражали давлат адлия маслаҳатчиси У. Худойқуловнинг қўлига етиб борди ва Усмон Чинозовичнинг протестини иш материаллари билан бирга ўрганиб чиққан Олий суд (судья Э. Қудратов) 1999 йил 7 июлда Ҳал қилув қарори чиқарди. Унда Қамаши туман суди раисининг 1998 йил 24 ноябрдаги қарори бекор қилиниб, иш юритишни тугатиш таъкидланган. Демак, жайдари тил билан айтганда, Абрай Худойберганов оқланди. Бунга деярли икки ярим йил вақт керак бўлди.

Адолат тантанасига шукроналар айтиб, мақолани шу ерда тугатишнинг ўзи ёқимли. Бироқ яна бир фактни газетхонлар эътиборига етказиб қўймаслик адолатдан бўлмайди. Акс ҳолда мақоланинг бошидаги мулоҳазалар муаллақ қолиб кетгандай туюлади. Бу факт шундан иборатки, А. Худойберганов оқлангандан кейин кўп ўтмай, туман прокурори Т. Саидов вазифасидан бўшатилди, Қамаши туман судининг раиси П. Рўзиев пора олаётганда қўлга тушиб, узоқ муддатга озодликдан маҳрум этилди...

Мутафаккир Ш. Монтескьенинг ҳикмати ёдга тушади: "Энг ёвуз зўравонлик — қонун соясига бекиниб, адолат байроғи остида иш кўради". Бунинг давомига эса ўзбекнинг ҳикматини улаш керак: ҳақиқат эгилади, лекин синмайди.

Ҳа, эл-юртнинг, буюк келажагимизнинг бахтига ҳақиқатни эгадиганлар эмас, эгилганни тиклайдиганлар омон бўлсин!

**Ҳабибулла ОЛИМЖОНОВ.**

02 хабар қилади

## ДАРВОЗА ЁПИҚ БЎЛСА, МУОМАЛА ТУЙНУКДАНМИ?



**Республикамизга четдан келтирилаётган ва хорижга олиб чиқилаётган маҳсулотларнинг назоратда эканлигини билгани ҳолда, баъзи нафси бузуқлар минг бир хил ҳийлаю найрангларни ўйлаб топишмоқда.**

**Сурхондарё вилоятининг Тожикистон билан чегарадош ҳудудида яшовчи Улуғбек Қурбонов ва Мамарайим Ашуровлар тўрт миллион сўмлик озиқ-овқат маҳсулотларини ҳовлиларига тўплаб, секин-секин от-уловларга ортиб, Тожикистонга олиб ўтмоқчи бўлганлари фош бўлиб қолди. Вилоят ички ишлар бошқармасининг коррупция, рэкет ва терроризмга қарши кураш бошқармаси ходимлари Бирлик қишлоғида яшовчи бу шахсларнинг «бизнеси» юзасидан жиноий иш очишди. Дарвозалар маҳкам бўлгач, молларни дарчадан четта узатишга уринган бу «тадбиркор»ларнинг фаолиятига чек қўйилди.**

### «ҚОРАДОРИ» КАСАЛ ҚИЛДИ

**Самарқанд вилоятининг Ургут туманида яшовчи И. Умаров, Т. Раҳмонов ва М. Раҳмонқулов ўзларидаги 8 килограмм кўкнор ширасини бир амаллаб сотишса, нақд миллионларнинг тагида қолишлари мумкин эди. Ахир, роппа-роса 2 миллион сўм турадиган бу матоҳнинг харидори топилса, улар ойлаб эмас, балки йиллаб асал шимиб ётишлари мумкин-да. «Ўйчининг ўйи битгунча, таваккалчининг иши битибди» дейишди-ю, уни сотишга киришишди. Бироқ чув тушишди. Асални орзу қилганлар ҳам пулидан, ҳам қимматбаҳо молидан айрилгани учун «касал» бўлиб қолишди.**

**Начора, «қорадори» кимга дорилик қилибди-ю, буларга дармон берарди?**

### НИЯТИ БУЗУҚЛАР

**Кишининг нияти яхши бўлса, ёнида ҳар хил бўлмағур қурол-яроғу ўқ-дориларни кўтариб юрармиди? Самарқанд вилоятининг Иштихон туманида олиб борилган тезкор тадбирлар натижасида ГАЗ-24 русумли «Волга» автомашинаси ушланди. Унинг салонидан Каттақўрғон шаҳрида яшовчи, 1961 йилда туғилган Н. С. ва пенсионер, 1942 йилда туғилган О.М.га тегишли бўлган 25 кило қўлбола портловчи модда, бир доно ясама тўппонча, бир кило порох ва 1,5 кило дроб топилди. Ҳозирда ушбу ҳолат юзасидан тергов ҳаракатлари давом этмоқда.**

### БОЖХОНАЧИГА ПОРА



**Бухоро темир йўл бекатида 10-сон божхона пости суриштирувчиси И.Э. иш жойида 661-«Бухоро — Тошкент» поезди кузатувчиси С.Х. дан 40 минг сўм пулни пора сифатида олаётганида милиция ходимлари томонидан ушланди. Ҳозир божхоначи ва кузатувчининг ўртасида нима гаплар бўлиб ўтгани ички ишлар ходимлари томонидан батафсил суриштирилиб, тергов ишлари олиб борилмоқда.**

**Шуҳрат РЎЗИЕВ,**
**Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги Матбуот марказининг ходими, милиция капитани.**

## ЭЛ МУЛКИГА ОЛАЙТИРСАНГ КЎЗ...

Туманимиз аҳли асосан шоличилик билан шуғулланади. Миришкор деҳқонларимиз шолидан мўл ҳосил етиштириш билан биргаликда шартнома муносабатлари орқали катта миқдорда натура ҳақи ҳам олмоқдалар. Шу йўл билан оила бюджетини мустаҳкамламоқдалар.

Айни пайтда давлат омбори билан ўз уйининг ҳуфия хоналарини чалкаштираётган ноинсоф кимсалар ҳам учрамоқда. «Ўзбекистон» ижара хўжалигининг бригада бошлиғи С.Б. аслида етиштирилган ҳосилнинг ҳар бир бошоғи учун бош-қош бўлиши лозим эди. Аксинча, унинг ўзи жиноятга қўл урди. 1200 килограмм шолини тап тортмасдан ўғирлади. Қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилдан кейин ҳам чиқади, деган гап бор. Нафси ўпқон бригада бошлиғининг ўғрилиги эса атиги 9 кундан кейин аниқланиб, ўмарилган ҳосил давлат омборига қайтарилди.

Бундан ташқари, бошқа фуқароларнинг ҳам шолипоялардаги жиноятқорона хатти-ҳаракати кишини қаттиқ ўйлантиради. Мисол учун, туман марказидаги 2-ўрта мактабда фаррош бўлиб ишлайдиган Т.Қ. бу борада устаси фаранг чиқди. У юқорида қайд қилиб ўтилган хўжалик шолипоясидан 486 килограмм шоли бошоғини ўриб олган. Унинг уйини текширганимизда, 164 килограмм янги ҳосил гуручи борлиги аниқланди. Далада ўсиб турган, пишиб етилган шолини бошоғи билан чала-чулпа ўриб олиш, қанчасини нест-нобуд этиш фақат нияти эгри кимсанинггина қўлидан келиши мумкин. Т.Қ. давлатга 52016 сўмлик зарар етказди. Ҳозир иккала шоли ўғриси ҳам қонун олдида жавоб бермоқда.

Баъзи шахслар ўзгаларнинг ҳалол меҳнат орқали топган иш ҳақларига кўз олайтиришдан ҳам қайтмаётирлар. Ўтган пахта йиғим-терими даврида туманимиздаги «Дауқара» ижара хўжалигида ҳашарда иштирок этган Нукус гидромелиорация техникумининг масъул ходими А.Қ. талабаларга тарқатилиши керак бўлган 56408 сўмни, яна бир муаллим Т. Ж. 19496 сўмни қалбаки имзолар орқали ўзлаштиргани маълум бўлди. Ёш авлодга диёнат, иймон, маънавий поклик тўғрисида ваъз айтадиган «устозлар»нинг бу хатти-ҳаракатларини қандай изоҳлаш керак?!

«Меҳнатдан келса бойлик, турмуш бўлар чиройлик!». Бу шиор ҳукуматимиз ишбилармонликка, тадбиркорликка кенг йўл очиб бераётган кезларда алоҳида мазмун касб этмоқда. Нопок йўллар билан бойлик орттириш, халқ мулкига кўз олайтиришнинг охири эса вой.

**Мирзааҳмад АЙМЕНОВ,**
**Тахтакўпир тумани прокурори, 1-тоифали юрист.**

Қатағон қурбонлари

## АЗАГА АЙЛАНГАН ТЎЙ

—Маҳадов, сизга келишди...

Шўрлик Убайдулло бобо назоратчининг сўзларини эшитиб, кўзларидан тирқираб ёш чиқиб кетди. Учрашув хонасида уни кенжа ўғли Нажмиддин кутиб турарди. Ота-боланинг қўллари панжара орқали бир-бирини излаб топди. Қани, тил калимага келса! На Нажмиддин, на Убайдулла бобода ҳол сўрашга мажол йўқ.

—Ўғлим,— охири маҳбус тилга кирди,— ойинг яхши юрибдими? Акаларинг, опаларинг соғ-саломатми? Ўзинг тинчмисан?

Нажмиддин интиқ бўлиб ўзига тикилган маҳзун кўзларга боқиб, юраги орқасига тортиб кетди. Отасининг овози синиқ, ўзи ҳам бир ҳолатга келиб қолганди. Отанинг кўча тўлдириб юрган онлари ўғли кўз ўнгидан кино тасмалари каби бир-бир ўта бошлади. Убайдулла Маҳадов хўжалик бош ҳисобчиси! «Пахтаобод» жамоа хўжалигида, Пешку туманида қадр-қимматли бир инсон эди. Фаолиятини жонажон Қучоқ қишлоғида бригада табелчилигидан бошлаган Убайдулла Маҳадов аста-секин раҳбарлик лавозимига кўтарилди. Айниқса, унинг «Маданият» жамоа хўжалигига раислик қилган йилларини яхши эслашади. Қисқа фурсат ичида 6 та болалар боғчаси, 4 та мактаб ва қатор маданий-маиший бинолар қад ростлади. Кўпчилик уни ернинг тилини, деҳқоннинг дилини биладиган тадбиркор инсон сифатида ҳурмат қиларди. Сўнг узоқ йиллар бош ҳисобчи бўлиб ишлади. 1984 йилнинг ўша мудҳиш декабр ойида гдлянчилар уни ҳибсга олишганида, хўжалик хазинасида 3,5 миллион сўм пул бор эди.

—Колхозни ичдан емириб, уни талон-тарож қилгансанлар. Қани шу пуллар?! — Гдлян гуруҳи аъзоларининг билган гапи шу — кимга пора бергансан, пулни қаерга яширгансан, ҳамтавоқларинг ким?

Яна бир йилдан сўнг кексалик нафақасига чиқиб, болачақа бағрида ўтган умрининг шукронасини қилиш хаёлида бўлган Убайдулло бобо бу сўроқларига нима ҳам дерди?

—Тўққиз фарзандимдан орттириб, кимга пора берай? —деса ҳам қулоқ солишмади.

Рўпарада, гарчанд панжара ортида бўлса-да, отажон, хизматингизга ҳозирман, дея тавозе ила турган ўғли Нажмиддинга боқар экан, юрагини хўрлик эзаётганини ҳис қилди. Айни вақтда ўғлининг нимадир демоқчилигини, лекин аллақандай иймманишми, бунга йўл бермаётганини ичдан туйди.

—Ҳа, болам, менга бир нима айтмоқчимидинг?

Нажмиддин беихтиёр кўзларини олиб қочди. Сўнг хижолатомуз сўз қотди.

—Ота, маслаҳатга келиб эдим. Шунга...

—Хўш-хўш, бемалол уялмай гапиравер. Қўлдан бўлмаса ҳам, йўлдан берарман, ахир.

Нажмиддин Убайдулло бобонинг кафтини қўлларига олди.

—Ота, хўп десангиз, уйланмоқчи эдим.

Убайдулло бобонинг юраги бир қалқиб кетгандек бўлди. Бир ярим йилдан бери эшитгани бу хушхабардан ўзини қўярга жой тополмай қолди.

— Сен уйланаман дейсан-у, мен йўқ дейманми?! — ҳаяжондан титроқ босиб деди отаси. — Келин қаердан, мен ҳам танийманми,тўйни қачонга белгилаяпсизлар?..

— Ота, сиз уйга қайтган кун — тўй, — деди Нажмиддин. — Шунинг учун келдим ҳузурингизга.Қамоқхона бошлиқларидан сўрасам, балки бирор ҳафтага жавоб беришар-а...

—Жавоб беришади дейсанми... —Убайдулло бобо ранги ғалати тарзда ўзгариб кетди.— Жавоб беришади, фақат...

Убайдулло бобо сўзини тугата олмади. Бирдан юракларини чангаллаб, панжарага суянганича жимиб қолди.

—Ота!

...Бир пастда етиб келган врач маҳбус Убайдулло Маҳадов юрак хуружидан вафот этганлигини маълум қилди.

Шу кунларда Убайдулло бобо хонадонида қутлуғ санага ҳозирлик кўрилаётир. Агар бобо тирик бўлганларида 70 ёшга кирар эдилар...

Бугун «пахта иши» қурбонлари руҳи шодланиб, улуғланаётган бир пайтда Убайдулло бобо 21 йил қалб қўрини тўккан хўжалик устида ҳам Мустақиллик қуёши нур сочиб турибди. Хўжалик ҳаётида катта ўзгаришлар юз бераяпти. Илоҳим, ёмон кунлар қайтиб келмасин. Ҳурриятимиз боқий бўлсин. Бу кунларни кўрмасдан армонда кетган Убайдулло бободай ажойиб инсонларнинг руҳи шод бўлсин.

**Рашид АСЛОНОВ.**

Фуқаро мадад сўрайди

## ИШ ЖОЙИДА ШИКАСТЛАНДИМ, АММО...

*«Тошсаноатқурилиш» ҳиссадорлик жамиятига ҳайдовчи бўлиб ишга кирдим. Тўққиз ойдан кейин механикликка ўтказишди. Хизматимни бажараётган пайтимда — 1998 йилнинг 10 декабрида бахтсиз воқеа юз берди. Йиқилиб, ўнг оёғимни синдирдим. Шундан кейин Чилонзор туманидаги 15-сонли тез тиббий ёрдам касалхонасида озроқ даволандим.*

*Хуллас, жароҳат туфайли иккинчи гуруҳ ногирони бўлиб қолдим. Бу ҳақда тиббий-меҳнат экспертиза комиссиясининг 893047-сонли маълумотномаси ҳам бор. Унда иш жойида шикастланганлигим ҳам кўрсатилган. Менга алам қиладигани шу пайтгача фақат маошларимни олдим холос. Ишхонамдагилар яшаш шароитимни билгани ҳолда, ҳатто касаллик варақасига ҳам пул тўламади.*

*Иш жойида шикастланганлигим учун ташкилотимиздан бериладиган товон пулини олишга қатнайвериб чарчадим. Бу борада бошқарувимиз раиси Шуҳрат Низомов ҳамда кичик бўлим бошлиғи Рустам Ҳамроевларга жуда кўп бор мурожаат қилдим. Бироқ ҳеч бир нафи бўлмади.*

*Тошкент шаҳар касаба уюшмасининг қурилиш бўйича техниги Анатолий Ким ҳам менга яқин кунларда ёрдам берамиз, деганига уч ой бўлди.*

*Ҳурматли таҳририят!*

*Тўрачилик, инсон тақдирига бефарқликнинг чегараси борми?*

**Турғунбой ИСМОИЛХЎЖАЕВ,**
**иккинчи гуруҳ ногирони.**

**Саҳифа учун масъул: Қурбон ЭШМАТОВ**

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг иқтидорли ёшларни чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватлаш "Умид" жамғармаси

**2000-2001 ўқув йилида АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Япония, Канада ва Италия олий ўқув юртларида ўқиб, бакалавр ва магистр даражасини олиш ҳамда қуйидаги ихтисослар бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг грантларига сазовор бўлиш учун 300 совриндор ўринга танлов босқичлари бошланишини**

# *ЭЪЛОН ҚИЛАДИ*

**«Умид» жамғармаси йўналишида 2000-2001 ўқув йили учун давлатлар, ўқув шакли ва мутахассисликлар бўйича**

## *ЎРИНЛАР СОНИНИНГ ТАҚСИМОТИ*

| № | ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШЛАРИ | АҚШ | | БУЮК БРИТАНИЯ | | ГЕРМАНИЯ | | ФРАНЦИЯ | | ЯПОНИЯ | | КАНАДА | | ИТАЛИЯ | | ЖАМИ: | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Бакалавриат | Магистратура | Бакалавриат | Магистратура | Бакалавриат | Магистратура | Бакалавриат | Магистратура | Бакалавриат | Магистратура | Бакалавриат | Магистратура | Бакалавриат | Магистратура | Бакалавриат | Магистратура |
| I | **ИҚТИСОД:** | 7 | 25 | 6 | 14 | 3 | 8 | 1 | 6 | - | 3 | - | 5 | - | - | 17 | 61 |
| 1 | Монетар сиёсат ва пул муомаласи | 1 | 3 | 1 | 2 | - | - | 1 | - | | - | - | - | - | - | 2 | 5 |
| 2 | Тижорат банклари иши | 1 | 3 | 1 | 2 | - | 1 | - | - | - | - | - | - | - | - | 2 | 6 |
| 3 | Молияни бошқариш | 2 | 7 | 1 | 3 | 1 | 3 | - | 2 | - | 1 | - | 2 | - | - | 5 | 18 |
| 4 | Сармоялар ва қимматли қоғозлар бозори | 1 | 3 | 1 | 2 | - | 1 | - | 2 | - | 1 | - | 1 | - | - | 2 | 10 |
| 5 | Менежмент ва маркетинг | 1 | 7 | 1 | 3 | 1 | 2 | - | 2 | - | 1 | - | 1 | - | - | 3 | 16 |
| 6 | Қурилиш менежменти | 1 | 2 | 1 | 2 | 1 | 1 | - | - | - | - | - | 1 | - | - | 3 | 6 |
| II | **ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ ВА МУНОСАБАТЛАР:** | - | 13 | 3 | 10 | - | - | 1 | 7 | - | 4 | - | 1 | - | - | 4 | 35 |
| 7 | Халқаро муносабатлар | - | 3 | 1 | 3 | - | - | - | 2 | - | 1 | - | 1 | - | - | 1 | 10 |
| 8 | Халқаро молиявий ҳуқуқ | - | 5 | 1 | 3 | - | - | 1 | 2 | - | 1 | - | - | - | - | 2 | 11 |
| 9 | Халқаро тижорат ҳуқуқи | - | 5 | 1 | 4 | - | - | - | 3 | - | 2 | - | - | - | - | 1 | 14 |
| III | **ИНФОРМАТИКА ВА КОМПЬЮТЕРЛАШТИРИШ** | 3 | 7 | 2 | 10 | 2 | 4 | - | - | - | - | - | - | - | - | 7 | 21 |
| 10 | Ҳисоблаш тизимини лойиҳалаштириш | - | 1 | - | 2 | 1 | 1 | - | - | - | - | - | - | - | - | 1 | 4 |
| 11 | Компьютер тизимини лойиҳалаштириш | 1 | 2 | 1 | 3 | - | 1 | - | - | - | - | - | - | - | - | 2 | 6 |
| 12 | Тизимли дастурлаш | 1 | 2 | - | 2 | 1 | 1 | - | - | - | - | - | - | - | - | 2 | 5 |
| 13 | Амалий дастурлаш | 1 | 2 | 1 | 3 | - | 1 | - | - | - | - | - | - | - | - | 2 | 6 |
| IV | **ТАБИИЙ ФАНЛАР** | 2 | 8 | 2 | 5 | 3 | 7 | - | 2 | - | - | - | - | - | - | 7 | 22 |
| 14 | Физика | - | 2 | - | 1 | 1 | 2 | - | - | - | - | - | - | - | - | 1 | 5 |
| 15 | Математика | - | 1 | 1 | 1 | - | 1 | - | 1 | - | - | - | - | - | - | 1 | 4 |
| 16 | Кимё | - | 1 | 1 | 1 | - | 1 | - | - | - | - | - | - | - | - | 1 | 3 |
| 17 | Биология | 1 | 1 | - | 1 | 1 | 1 | - | 1 | - | - | - | - | - | - | 2 | 4 |
| 18 | Ген муҳандислиги | 1 | 2 | - | 1 | - | 1 | - | - | - | - | - | - | - | - | 1 | 4 |
| 19 | Ноанъанавий қувват манбаларидан фойдаланиш | - | 1 | - | - | 1 | 1 | - | - | - | - | - | - | - | - | 1 | 2 |
| V | **ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ** | 2 | 8 | - | 10 | - | 3 | - | - | - | - | - | 2 | - | - | 2 | 23 |
| 20 | Селекция ва пахта уруғчилиги | 1 | 3 | - | - | - | - | - | - | - | - | - | - | - | - | 1 | 3 |
| 21 | Донларни тез етиштириш технологияси | 1 | 3 | - | 5 | - | 1 | - | - | - | - | - | 2 | - | - | 1 | 11 |
| 22 | Молларнинг сермаҳсул наслларини чатиштириш | - | 2 | - | 5 | - | 2 | - | - | - | - | - | - | - | - | - | 9 |
| VI 23 | **ЭКОЛОГИЯ ВА СУВ ТИЗИМИНИ БОШҚАРИШ** | 1 | 3 | - | 3 | 1 | 2 | - | - | - | - | - | 2 | - | - | 2 | 10 |
| VII 24 | **ЖУРНАЛИСТИКА** | 1 | 8 | 1 | 5 | - | - | - | 2 | - | - | - | - | - | - | 2 | 15 |
| VIII | **МУҲАНДИСЛИК ИХТИСОСЛАРИ** | 2 | 9 | 2 | 7 | - | 8 | - | - | - | - | - | 2 | - | - | 4 | 26 |
| 25 | Тоғ иши | - | 2 | - | 1 | - | 2 | - | - | - | - | - | 2 | - | - | - | 7 |
| 26 | Машинасозлик | 1 | 3 | 1 | 2 | - | 2 | - | - | - | - | - | - | - | - | 2 | 7 |
| 27 | Саноат дизайни | - | 2 | - | 2 | - | 2 | - | - | - | - | - | - | - | - | - | 6 |
| 28 | Архитектура | 1 | 2 | 1 | 2 | - | 2 | - | - | - | - | - | - | - | - | 2 | 6 |
| IX | **САНЪАТ** | - | - | 1 | 1 | - | - | - | - | - | - | - | - | 5 | - | 6 | 1 |
| 29 | Рассомчилик | - | - | - | - | - | - | - | - | - | - | - | - | 2 | - | 2 | - |
| 30 | Мусиқа | - | - | 1 | 1 | - | - | - | - | - | - | - | - | 1 | - | 2 | 1 |
| 31 | Вокал | - | - | - | - | - | - | - | - | - | - | - | - | 2 | - | 2 | - |
| X | **ТУРИЗМ:** | 3 | 3 | 2 | 5 | 1 | 6 | 3 | 6 | - | 3 | - | 3 | - | - | 9 | 26 |
| 32 | Туризмда менежмент | 1 | 1 | 1 | 2 | - | 2 | 1 | 2 | - | 1 | - | 1 | - | - | 3 | 9 |
| 33 | Туризмда маркетинг | - | 1 | 1 | 2 | 1 | 2 | 1 | 2 | - | 1 | - | 1 | - | - | 3 | 9 |
| 34 | Туризм соҳасида хизмат кўрсатиш | 2 | 1 | - | 1 | - | 2 | 1 | 2 | - | 1 | - | 1 | - | - | 3 | 8 |
| | **ЖАМИ:** | 21 | 84 | 19 | 70 | 10 | 38 | 5 | 23 | - | 10 | - | 15 | 5 | - | 60 | 240 |
| | | 105 | | 89 | | 48 | | 28 | | 10 | | 15 | | 5 | | 300 | |

### Ҳужжатларни қабул қилиш 2000 йил 31 январдан 20 февралгача бўлиб ўтади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг грантини олиш бўйича танловда иштирок этиш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйхати:

1. "Умид" жамғармаси бошқаруви раиси номига танланган давлат, ўқув шакли, йўналиши ва мутахассислиги кўрсатилган ариза;
2. Белгиланган намунадаги шахсий варақа.
3. а) бакалаврлик учун: олий ўқув юртининг иккинчи (ёки учинчи) курсида муваффақиятли ўқиётганлиги тўғрисида мутахассислиги, курси ва ўқиш даврида ўқитилган барча фанлар рўйхати кўрсатилган деканат маълумотномаси.

б) магистратура учун: олий ўқув юртини тугатганлиги ҳақида диплом нусхаси ва унинг иловаси ёки олий ўқув юртининг битирувчи курсида муваффақиятли ўқиётгани тўғрисида мутахассислиги, курси ва ўқиш даврида ўқитилган барча фанлар рўйхати кўрсатилган деканат маълумотномаси;

4. Олий ўқув юрти ректори ёки ўқишга юбораётган ташкилот биринчи раҳбарининг (махсус ташкил этилган комиссия томонидан тасдиқланган) тавсифий-тавсияномаси;
5. Талабгорнинг танлаган соҳаси бўйича чет элда ўқишдан мақсади ва ҳаётий дунёқараши баёни (босма шаклда 2 бетдан ошмаслиги лозим);
6. Рангли фотосурат (4 дона, 4х6 см);
7. Паспорт;
8. Ҳарбий билет ёки ҳарбий хизмат рўйхатига олинганлиги тўғрисидаги гувоҳнома;
9. Ҳужжатлар учун жилд (скоросшиватель) ва конверт.

### Танлов 2000 йилнинг 21 февралидан бошланади:

**1-босқич.** Чет тили ва талабгорнинг танлаган ихтисослигидан келиб чиққан ҳолда хорижий олий ўқув юрти талабларига жавоб берадиган билимларини аниқлаш юзасидан тест;

**2-босқич.** Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий ва сиёсий мустақиллигини мустаҳкамлаша доир талабгорнинг ҳаётий дунёқараши, маънавияти ҳамда тарих ва маданият соҳасидаги билимларини аниқлаш масалалари юзасидан суҳбат;

**3-босқич.** Танланган ихтисослик бўйича компьютер тести;

**4-босқич.** Чет тили бўйича расмий тест (TOEFL-АҚШ ва Канада университетлари учун), IELTS (Буюк Британия университетлари учун), DSH (Германия университетлари учун) ва бошқа давлатлар тестлари.

**5-босқич.** АҚШда магистратура бўйича ўқишга талабгорлар учун GMAT ёки GRE тести.

Танловнинг 1, 4 ва 5-босқичлари хорижий мамлакатларнинг махсус давлат таълим муассасалари томонидан ўтказилади.

2 ва 3-босқичлар етакчи олим ва мутахассислар ҳамда устувор таълим соҳалари йўналишларидаги амалий раҳбар ходимлардан ташкил топган "Умид" жамғармасининг махсус комиссиялари томонидан ўтказилади.

**Ҳужжатларни қабул қилиш ва танлов босқичларини ташкил этиш бўйича танлов ҳайъати қуйидаги манзилгоҳда жойлашган: Тошкент шаҳри, Якуб Колас кўчаси, 16-уй. Банк-молия академияси. Тел.: 68-38-10, 137-12-81, 137-12-82.**

**"Умид" жамғармасининг қабул комиссияси**

